

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ва ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ
ИНСТИТУТИ**

**АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ва КАСБ ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ
БИЛАН ИШЛ
АШ БЎЛИМИ**

2+2 дастури асосида ташкил этилган малака ошириш курси

**“Тўқимачилик. енгил саноат фанлари бўйича лаборатория
амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш ”**

фанидан

Р Е Ф Е Р А Т

1 ОҚИМ 1 ГУРУҲ

Реферат мавзуси: Ўғулболалар шимини тикиш технологияси.

Бажарди:

малака шириш курси тингловчиси
Жураева Феруза

Қабул қилди:

Тўқимачилик саноати махсулотлари
технологияси кафедраси
доценти Алиева Д.Г.

Наманган-2011 йил.

Режа.

Кириш.

1.Асосий маълумот.

2.Технологик харита.

3.Машғулоти ташкил этиш ва ўтказиш тартиби.

4.Ҳисобот шакли.

5.Назорат ва баҳолаш шакллари,мезонлари.

6.Илова

7.Фойдаланилган адабиётлар.

К И Р И Ш

Барча фанларда таълим технологияси «мухандис технолог олий таълим муассасаларида лаборатория амалий ва семинарларни ўқитиш технологияси» ўқув қўлланмасида баён этилган дарс машғулотида янги технологияларни қўллаш қонун-қоидаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган.

Талабаларга билим беришда замонавий таълим технологияларининг аҳамияти тўғрисида сўз борганда Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор”¹ деган сўзларини таъкидлаш ўринлидир.

Бу масала “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида ҳам асосий йўналишлардан бири сифатида эътироф этилган.

Таълим ва тарбия инновацион технологиялар китобида келтирилган таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўқув машғулотнинг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини мужассамлаштирган.

Шунингдек, бу ўқув машғулотининг технологик картасини, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятнинг босқичма-босқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади.

Таълим ва тарбия инновацион технологиялар китобларни таркиби кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари, ҳар бир мавзу бўйича лаборатория, амалий ва семинар машғулотида ўқитиш технологиясидан иборат. Маълумотлар максимал даражада умумлаштирилган ва тартибга солинган. Уларни ўзлаштириш ва ёдда сақлаб қолишни кучайтириш учун жадвал ва чизмалардан фойдаланилган.

Китобнинг концептуал асослари унинг долзарблиги ва аҳамияти, мазкур ўқув фанининг таркибий тузилиши, ўқитишнинг усул ва воситаларини танлашда таянилган концептуал фикрлар, коммуникациялар, ахборотлар берилиб, сўнгра лойиҳалаштирилган, ўқитиш технологиялари тақдим қилинган.

1.Асосий маълумот.

Ривоят:Кунлардан бир кун кўл бўйида қорни оч қолган бир киши балиқ тутиб турган донишмандга дуч келибди ва унга мурожаат қилиб : “Мен очман ,менга ёрдам бер!”. Донишманд қуйидагича жавоб берибди:”Мен сенга балиқ беришим мумкин, сен тез тўясан ва бироз вақт ўтгач, худди шундай яна оч қоласан ва мендан яна ёрдам сўрайсан. Мен сенга қармоқ беришим мумкин ,лекин у қачондир синиб қолиши мумкин, унда сен менга яна мурожаат қилишинга туғри келади. Яхшиси, мен сенга қармоқ яшашни ўргатаман юу узоқ ва қийин ,лекин кейинчалик сенга менинг ёрдамим керак бўлмайди.Ўз йўлингни танла ”.

Юқорида келтирилган ривоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки ,яхши ўқитувчи талаба ёки ўқувчига “қармоқ яшашни” ўргатиши ва ақлли талаба ёки ўқувчи эса уни ўрганиш лозим. Талаба ёки ўқувчилар “қармоқ яшашни ”қанчалик тез ва мустаҳкам ўрганиб олсалар, улар шунчалик бировларга мухтож бўлмасдан ўз “овларига”эга бўладилар.Мана шундай вазифаларни амалга оширишда янги интерфаол ва ноанъанавий педагогик технологиялар жуда кўл келишини тадқиқочилар томонидан турли таълим муассасаларида ўтказилаётган кўпгина педагогик тажрибаларининг натижалари тасдиқланмоқда. Шунинг учун ҳам,таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган профессор ўқитувчилар ўз соҳалари бўйича олиб бераётган машғулотларида иновацион технологияларни ўз ўрнида қўллашни билишлари ўтта зарур.Хозирги кунда иновацион технолгиялар , интерфаол услубларнинг сони жуда кўпайиб кетган .Биз уларнинг таълим муассасаларида кенг тарқалганлари , ўқитиладиган аниқ фан ва предметларда қўлланилишини мумкин бўлган бази педагогик технолгияларни фойдаланиш услубиятини келтирамиз.Ў қув машғулотлари ва тарбия жараёнларида қўлланиладиган интерфаол услублар ва педагогик технологиялардан ташқариларини ҳам келтирилган.

Ўқитиш жараёнини самарали ва натижали бўлишини таъминлашга ўналтирилган интерфаол услублар ва ўқитиш технологияларининг барчаси,хозирги кунда Ркспубликамизни барча умумий ўрта таълим, ўрта махсус касб хунар ҳамда олий таълим муассасалари, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари ва факультетларида кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда,ҳамда ижобий натижалар бермоқда.

“Зинама-зина”технологияси.

Технологиянинг тавсифи: Ушбу машғулот талабаларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзу бўйича яққа ва кичик жамоа бўлиб фикирлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикирларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма ,расм,чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Бу технология талабадар билан бир гуруҳ ичида яққа ҳолда ёки гуруҳларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади.

Технологиянинг мақсади. Талабаларни эркин, мустақил ва мантиқий фикирлашга, жамоа бўлиб ишлашга,изланишга, фикирларни жамлаб улардан Назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга ,жамоага ўз фикри билан таъсир эта олишга, уни маъқуллашга,шуниндек,мавзунинг таянч тушунчаларига изоҳ беришда эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланилиши:маъруза, семинар,амалий ва лаборатория машғулотларида яққа тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказиш ҳамда назорат дарсларида қўлланилиши мумкин.

“Тушунчалар таҳлили” услуби.

Услубнинг моҳияти. Ушбу услуб ўтилган (чорак ,семестр ёки ўқув йилларида тугаган) ўқув предмети ёки бўлим барча мавзуларини талаба томонидан ёдга олиш, бирор бир мавзу бўйича ўқитувчи томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изокларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча талабаларни баҳолаш олишга йўналтирилган.

Услубнинг мақсади. Талабаларнинг машғулотда ўтилган мавзунинг эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларини ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш , ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, яққа ва гуруҳларда ишлай олиш , сафдошларини фикрига ҳурмат билан қараш, шунинде ўз билимларини бир тизимга солишга ўргатиш.

Услубнинг қўлланилиши:Ўқув машғулотларини барча турларида ўтирган мавзулар ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралик ва якуний назорат ўтказиш учун, шуниндек, янги мавзунинг бошладан олдин талабаларнинг билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида яққа , кичик гуруҳ ҳамда жамоа шаклида ташкил этиш мумкин. Ушбу услубдан ўйга вазифа беришда ҳам фойдаланса бўлади.

“Чахпалак ”технологияси.

Технологиянинг тавсифи:Ушбу технология талабаларни ўтирган мавзуларниёдга олишга, мантиқан фикирлаб, берилан саволларга,мустақил равишда тўғри жавоб беришга ва ўз ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа

вақт ичида ўқитувчи томонидан барча талабаларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган.

Технологиянинг мақсади. Талабаларни дарс жараёнида мантиқий фикирлаш, ўз фикрларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларини баҳолаш, яқка ва гуруҳларда ишлашга, бошқалар фикрига ҳурмат билан қарашга, кўп фикирлардан кераклисини танлаб олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланилиши: технология ўқув машғулотларининг барча турларида дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирор бир бўлими тугалланганда, ўтилган мавзуларни талабалар томонидан ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралик ва якуни назорат ўтказиш учун мўлжалланган. Ушбу технологияни машғулот жараёнида ёки унинг бир қисмида яқка, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида ташкил этиш мумкин.

”Бумеранг” технологияси.

Технологиянинг тавсифи: Ушбу технология талабаларнинг дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матинлар билан ишлаш, ўрганилган материални ёдида сақлаб қолиш, сўзлаб бериш, фикрини эркин ҳолда баён эта олиш. Қисқа вақт ичида кўп маълумотга эга бўлиш ҳамда дарс мобайнида ўқитувчи томонидан барча талабаларни баҳолай олишга қаратилган.

Технологиянинг мақсади. Ўқув жараёни мобайнида тарқатилган материалларни талабалар томонидан яқка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат ғ мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллардаги матинлар қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш. Ўқув жараёни мобайнида ҳар бир талаба томонидан ўз баҳоларини эгаллашга имконият яратиш.

Технологиянинг қўлланилиши: Амалий машғулотлар, семинар ёки лаборатория машғулотларини ҳамда суҳбат ғ мунозара шаклидаги дарсларда яқка тартибда, кичик гуруҳ ва жамоа шаклида фойдаланилиги мумкин.

“3 x 4” технологияси.

Технологиянинг тавсифи: Ушбу технология талабаларнинг аниқ бир муаммони яқка ҳолда ёки кичик жамоа бўлиб фикирлаб ҳал этиш, ечимни топиш, кўп фикирлардан керагини танлаш, танлаб олинган фикирларни умумлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо ёки мавзу юзасидан аниқ бир тушунча ҳосил қилишга, шуниндек ўз фикрларини маъқуллаш олишга ўргатади. Бу технология талабалар билан аввал яқка ҳолда, сўнгра уларни кичик гуруҳларга ажратилган ёзма равишда ўтказилади.

Технологиянинг мақсади. Талабаларни эркин, мустақил ва мантиқий фикирлашга; жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб, улардан назарий ва амалий тушунча ҳосил қилишга, жамоага ўз фикрини ўтказишга, уни маъқуллашга; қўйилган муаммони ечишга ва мавзуга умумий тушунча

беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланилиши: семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда ўтказиш ҳамда гуруҳ аъзоларини бир неча маротаба жойларини ўзгартириб берилган вазифаларни бажаришга мўлжалланган.

“Резюме” технологияси.

Технологиянинг тавсифи: Бу технология мураккаб, кўп тармоқли, мумкин қадар муаммоли мавзуларни ўрганишга қаратилган. Технологиянинг моҳияти шундан иборатки, бунда бир йўла мавзунинг турли тармоқлари бўйича ахборот берилади. Айни пайтда уларнинг ҳар бири алоҳида нукталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзалик ва камчиликлари, фойда ва зарарлари белгиланади.

Технологиянинг мақсади. Талабаларнинг эркин, мустақил, танқидий фикирлашга, жамоа бўлиб ишлашга, изланишга, фикрларни жамлаб таққослаш услуби ёрдамида мавзудан келиб чиққан ҳолда ўқув муаммосини ечимини топишга ҳамда керакли ҳулоса ёки қарор қабул қилишга, жамоага ўз фикри билан тасир этишга, уни маъқуллашга, шуниндек, берилган муаммони ечишда, мавзуга умумий тикшкнча беришда ўтилган мавзулардан эгаллаган билимларини қўллай олишга ўргатиш.

Технологиянинг қўлланилиши: матруза дарсларида, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида яқка ёки кичик гуруҳлар тартибда ўтказиш, шуниндек, уйга вазифа беришда ҳам қўллаш мумкин.

2.Технологик харита.

Ўқув машғулотларининг технологик харитаси.

1.Фаннинг номи:

2.Мавзу: Уғулболалар шимини тикиш технологияси.

3.Дарс тури:лабоатория

Дарс вақти: 80 дақиқа.

Мақсад:Ўқувчилврнинг билим малакаларини ошириш.

Кутилаётган натижа:Олган билимларини мустаҳкамлаш.

Фойдаланилган адабиётлар: Дарслик,слайдлар ва тарқатма материаллар.

Гуруҳ								
Сана								

Дарс босқичлари	Ўқитувчининг фаолияти	Ўқувчининг фаолияти	вақт	Технология		
				Метод	Шакл	Восита
1.тайёрлов	кўргазмали куроллар,ўқув воситаларини тайёрлайдилар	Дарсга тайёрганл. Кўриш				
2.ташкилий	Ўқувчиларни давоматини, аудитория тозалигини назорат қиладилар,ўтилган мавзу бўйича савол жавоб ўтказилади.	ўтилган мавзу бўйича саволларга жавоб бериш.	5	савол-жавоб	Якка	
3.асосий босқич.	янги мавзу, мавзу бўйича маълумот берилади, вазифа ва иш тақсимланади.	Талабалар гуруҳларга ажратилади тинглайди, ишни бажаради.	30	инновацион технология ”тушунчалар тахлили ”	Гуруҳли	Тарқатма
4.баҳолаш	Ўқувчиларни тақдиротига қараб баҳоланади.	Бажарган	20	Ўз-ўзини баҳолайди(тест)	якка	тарқатма
5.мустаҳкамлаш.	саволлар беради, тестлар ечилади, топшириқларни бажарилишни муҳокама қилади.	Тахлил қилади.	20	савол-жавоб	якка	Тарқатма
6.уйга вазифа	мустақил ўқиш учун саволлар беради,китоб бетларини айтади.	Уйда бажаради	5	Фронтал	Гуруҳли	

Мавзу: Уғул болалар шимини тикиш технологияси.

Мавзу бўйича асосий саволлар:

- 3.1. Ўғил болаларнинг ёзлик кастюми.
- 3.2. Кастюм шимни тикиш.
- 3.3. Ўғил болалар кастюми ва кўйлагини тикиш.

Мавзуга оид асосий муаммолар:

1. Ўғил болаларнинг ёзлик кастюмини бичиш .
2. Болалар кастюм шимни тикиш технологияси.
3. болалар нимчасини тикиш технологияси.

3.1.-асосий савол: Ўғил болаларнинг ёзлик кастюми.

Дарсининг мақсади: Ўғил болаларнинг ёзлик кастюми ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш.

Талабар учун идентификатор ўқув мақсадлари:

1. Ўғил болаларнинг ёзлик кастюмини бичишни ўртага олади.
2. Кўйлак елка қирқими бириктириб тикилиши ўртага олади.
3. Ён ва пастки қирқимларини букиш кўрсаткичларни ўртага олади..

3.1.-асосий саволнинг байони:

Кастюм кўйлаги йўл ўйл ин газламадан бўлиб ,енги калта ,олд ва орт бўлаклари билан яхлит бичилган.Ёқаси қайтарма ,шимнинг рангидаги газламадан тикилади.Олд бўлакнинг чап томонида қоплама чўнтаги бор.

Шими калта ,газламасининг ранги кўйлак газламасидаги йўллар рангига мослаб танланган.Шим белига резинка ўтказилган.

Кўйлак елка қирқими бириктириб тикилади,қирқимлари ёрмалади.Чок кенглиги 0.7 -1,0 см. Қоплама чўнтак юқори қирқими букиш чизиги бўйлаб ёпиқ қирқимли қилиб,универсал машинада букиб тикилади.Ён ва пастки қирқимларини 0,5-0,7см. Букиб дазмоланади.Олд бўлакда чўнтак ўрни белгиланади ва чўнтак ўнгини юқорига қаратиб.бостириб тикилади.бахяқатор чўнтак зийидан 0,2см. ороликда юритилади.

Кўйлак енга ўмизи мағиз қўйиб тикилади.Бунда олд бўлакнинг ўғи тамонига мағизнинг ўнгини қаратиб қўйиб,қирқимларини тўғирлаб, 0,5-0,7см кенгликда ағдарма чок билан тикилади.чок хақини мағиз томонига қаратиб ,ағдарма чок бахяқаторидан 0,1см ораликда мағизга бостириб тикилади.Мағизни кўйлак тескарисига ағдариб,асосий деталдан 0,1-0,15 см кенгликда кант ҳосил қилиб ,зийлари кўкланади.Мағиз очик қирқими 0,5 см кенгликда тескари томонга букиб,букилган зийдан 0,1см кенгликда асосий деталга бостириб тикилади.Кўйлак тақилмаси мағиз қўйиб тикилади.Кўйлак олд бўлагининг ўнг томонига ўрни белгиланади.Белгиғчизик бўйлаб асосий детал билан мағиз ўнгини ўнгига қаратиб қўйиб,ағдарма чок билан тикилади.Бахяқаторлар орасида қирқилади,бахяқаторлар охирига 1см етказмай,бурчак қилиб кесилади ва бахяқаторга 0.1 см етказмай тугатилади.

Мағз асосий детал тескарисига ағдариб, асосий деталдан 0,1 см кенгликда кант хосил қилиб, зийлари кўкланади. Мағиз очик қирқимимахсус машинада ўормалади ва яширин қавик билан хар 3-4 см ораликда чатиб қўйилади.

Устки ва остки ёқалар деталининг ўнгини ичкарига қаратиб 0,5-0,7 см кенгликда ақдарма чок билан тикилади. Бурчакдаги чок ҳақидан 0,2-0,3 см қолдириб, ортиқчаси қирқилиб ташланади ва чок хаки остки ёқага бостириб тикилади. Ёқа ўнгига ағдариб дазмолланади. Ёқани ёқа ўмизига ўтказишда, усти ёқа ёқа ўмизига 0,7 см кенгликдаги чок билан тикиб ўтказилади. Чок хақини ёқа томонга қайтариб, остки ёқа қирқимини 0,5-0,7 см тескарисига букиб, ёқа ўтказилган баҳяқаторни 0,1-0,2 см ёпадиган қилиб кўкланади. Кейинг букилган зийидан 0,1 см ораликда остки ёқа ёқага ўмизига бостириб тикилади. Кўйлак этаги ёпиқ қирқимли букма чок билан тикилади.

Муҳокима учун саволлар:

1. Кўйлак этаги ёпиқ қирқимли қандай чок билан тикилишини гаппириб беринг.
2. Устки ва остки ёқалар детални тикилишини гаппириб беринг.
3. Бурчак чок ҳақида гаппириб беринг.

3.2.-асосий савол: Кастюм шимни тикиш.

Дарсининг мақсади: Кастюм шимни тикиш ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш.

Талабар учун идентив ўқув мақсадлари:

1. Одим қирқимларини ўртага олади.
2. Бириктириб кўкланган қавикларни бириктириб тикилишини ўртага олади.
3. Шим юқори томони ёпиқ қирқими қанчали букилишини ўртага олади.

3.2.-асосий саволнинг байони:

Шим олд ва орт бўлақлар ён қирқимларини тўғирлаб бириктириб тикилади, қирқимлари йўрмалади. Чок кенглиги 1 см. Одим қирқимлари ҳам бириктириб тикилади. Шим ён ва одим чокларини бир бирининг устига туғирлаб қўйиб, шим почаси бўрлаб олинади. Бунда биринси чизиғи бўлади. нотекис жойлари қирқиб ташланади ва биринчи чизиғ бўйлаб букиш хаки шим тескари томонига букиб кўкланади. тўғри сирма қавиғ йириглиги 0,7-1,0 см Букиш хақининг очик қирқимини 0,5-0,7 см янна букиб, букилган зийдан 0,1 см ораликда универсал машинада букиб тикилади. Шим ўрта қирқимларини бириктириб тикишда, иккала одим чокларини бир бирининг устига тўғри келтириб, қирқимларини тўғирлаб, тўғри сирма қавик билан бириктирилиб кўкланади. Бириктириб кўкланган қавиклардан 0,1 см оралиғида иккита параллел баҳяқатор юритиб, бириктириб тикилади. баҳяқаторлар ораси 0,1-0,2 см. Қирқимлар йўрмалади ва кўқлнган қавик иплар сўкиб ташланади.

Шим юқори томони ёпиқ қирқимли қилиб ,букиб тикилади.Бунда биринчи қирқим 0,5-0,7 см га букилади.Иккинчиси тақиладиган резинка энидан 0,2-0,3 см ортиқроқ қилиб букилади ва тўғри сирма қавиқ билан букиб кўкланади.Букилган зийидан 0,1-0,2 см ораликда универсал машинада букиб тикилади.Қавиқ иплари сўкиб ташланади.Шим юқори томонига резинка ўтказилади Тайёр кастюм дазмоланади.

Муҳокима учун саволлар:

- 1.Универсал машинада кандий ораликда букиб тикишини гаппириб беринг.
- 2.Сирма қавиқ қандай қавиқлигини гаппириб беринг.

3.3.-асосий савол: Ўғил болалар кастюми ва кўйлагини тикиш.

Дарснинг мақсади: Ўғил болалар кастюми ва кўйлагини тикиш ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш.

Талабар учун идентив ўқув мақсадлари:

- 1.Биринчи деталдан иккинчи деталга кўчириб олиш усулини ўртага олади.
- 2.Сирма қавиқ йриклигини ўртага олади.
- 3.Адип ва мағизланинг очик қирқимлари ўртага олади.

3.3.-асосий саволнинг байони:

Болалар катюми ип ёки жун газламадан тикиладиган бўлиб,нимча,калта шим ва кўйлақдан иборат.Нимча кенг шаклда, икки бортли,учта тақилма тугмаси ва учта безак тугмаси бор.Олд бўлақ чап томонида қоплама чўнтаги бор.Шими калта ,белига резинка ўтказилган.Кўйлаги калта,ўтказма енгли ,олдида этагигача тушган тақилмали бўлиб,ишлов ҳақи кўйлақ олд бўлаги билан яхлит бичилган.

Кўйлақ ёқаси қайтарма.

Нимчани тикиш учун,олд бўлақдаглари ўтар чизиғи биринчи деталдан иккинчи деталга кўчириб олинади.Бу белги чизиқ нусхалама қавиқлар билан кўчирилади.Орт бўлақ елка вычиткаси қирқимдан бошлаб бириктириб тикилади,учига бориб бахяқатор ёўиб юборилади.

Олд ва бўлақларнинг ўнгини ичкарига қаратиб ,қирқимларни тўғирлаб елка ва ён қирқим 0,7-1,0 см кенгликда бириктириб кўкланади.Сирма қавиқ Й риклиги 1 см. Қавиққатордан 0,1 см ораликда машинада бириктириб тикилади, чок ёрмалари ва бир томонга ётқизиблиб ,дазмолланади ёки ёриб дазмолланади.Олд бўлақ борт ёқа ўмизи ва орт бўлақ ёқа ўмизига мослаб бичилган адип ва мағиз қирқимларини тўғрилаб ,адипга мағиз бириктириб уланади.Чол кенглиги 0.7-1,0 см Чок ёриб дазмолланади.Кейин олд ва орт бўлақларнинг ўнг томонига адип ва мағизнинг ўнгини қаратиб қўйиб ,адип ва ёқа ўмиз мағизи бостириб кўкланади.Олд бўлақ томондан борт ,ёқа ўмизи ағдарма чок билан тикилади.Чик кенглиги 0,7 см.Кўкланган қавиқ ипларини сўкиб ташлаб ,чок ёриб дазмолланади ёки қўлда ёриб тўғриланади.Шундан кейин борт бурчакларидаги чок ҳақидан 0,2-0,3 см қолдириб ,ортиқчаси қирқиб ташланади ва чок ҳақи адип ва мағиз деталарига ,ағдарип чок

бахяқаторидан 0,1-0,2см оралиқда бостириб тикилади.Бортларни ўнгига ағдариб ,бурчакларини тўғрилаб ,борт ва ёқа ўмиз зийлари кўкланади.Бунда бортда ва ёқа ўмизидан олди ва орт бўлак газламасидан 0,1-0,2 см кант чиқарилади (90° е .расм).Борт зийларини кўклашда нимча этагининг букиш хақи ҳам букиб кўкланади.Бунда биринчи букиш хақи чизигидан ва иккинчи букиш қирқимидан 0,5-0,7 см букиб кўкланади,қавиқ йириклиги 0,7-1,0см.Букилган зийдан 0,1-0,2 см оралиқда машинада бахяқатор юришиб тикилади .Адиб ва мағизланинг очиқ қирқимлари махсус машинада ёрмалади ва яширин қавиқлар билан чашиб қўйилади.

Олди бўлак чап томонига қаплама чўнтак ўрни белгилаб олинади.Қоплама чўнтакнинг юқори томони ёпиқ қирқимли қилиб букиб тикилади ва ён томонлари букиб дазмолланади ёки букиб кўкланади.Шундан кейин белги чизикларига мослаб ,қоплама чўнтак бостириб тикилади .

Муҳокима учун саволлар:

1. елка ва ён қирқим 0,7-1,0 см кенгликда бириктириб кўкланади гаппириб беринг.
2. елка ва ён қирқим кенглиги гаппириб беринг.
3. Бортларни ўнгига ағдариб ,бурчакларини тўғрилаб ,борт ва ёқа ўмиз зийлари нима қинишини гаппириб беринг.

“Тушунчалар таҳлили” услуби.

Услубнинг моҳияти. Ушбу услуб ўтилган (чорак ,семестр ёки ўқув йилларида тутаган) ўқув предмети ёки бўлим барча мавзуларини талаба томонидан ёдга олиш, бирор бир мавзу бўйича ўқитувчи томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоқларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча талабаларни баҳолаш олишга йўналтирилган.

Услубнинг мақсади. Талабаларнинг машғулотда ўтилган мавзунинг эгалаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларини ўзлаштириб олинганлик даражаларини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш , ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, яқка ва гуруҳларда ишлай олиш , сафдошларини фикрига ҳурмат билан қараш, шунинде ўз билимларини бир тизимга солишга ўргатиш.

Услубнинг қўланилиши:Ўқув машғулотларини барча турларида ўтирган мавзулар ўзлаштирилганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустахкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун, шуниндек, янги мавзунинг бошлашдан олдин талабаларнинг билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида яқка , кичик гуруҳ ҳамда жамоа шаклида ташкил этиш мумкин. Ушбу услубдан ўйга вазифа беришда ҳам фойдаланса бўлади.

Машғулотда фойдаланиладиган воситалар: тарқатма материаллар таянч тушунчалар руйхати, қалам, слайд.

Изоҳ: режа бўйича белгиланган мавзу асосида ҳамда ўқитувчининг қўйган мақсадига мос тайёрланган тарқатма материаллар (яқка тартибда ёки кичик гуруҳ учун).

Машғулотни ўтказиш тартиби:

- Талабаларни гуруҳларга ажратилади:
- Талабалар машғулотларни ўтказишга қўйилган талаб ва қоидалар билан таништирилади:
- Тарқатма материаллар гуруҳ аъзоларига тарқатилади:
- Талабалар яқка тартибда ўтилган мавзу ёки янги мавзу бўйича тарқатма материалда берилган тушунчалар билан танишадилар:
- Талабалар тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчалар ёнига эгалаган билимлари асосида изоҳ ёзадилар.
- Ўқитувчи тарқатма материалда мавзу бўйича берилган тушунчаларни ўқийди ва жамоа билан биргаликда ҳар бир тушунчага туғри изоҳни белгилайди ёки экранда ҳар бир тушунчанинг изоҳи берилган слайд орқали таништирилади:
- Ҳар бир талаба туғри жавоб билан белгиланган жавобларнинг фарқларни аниқлайдилар, керакли тушунчага эга бўладилар, ўз ўзларини текширадилар, баҳолайдилар, шуниндек билимларини яна бир бор мустаҳкамлайдилар.

Изоҳ: "Тушунчалар таҳлили" услубини "Чайнворд", "Узликсиз занжир", "Кластер", "Блиц-занжир" шаклида ҳам ташкил этиш мумкин.

"Тушунчалар таҳлили" услубидан бир дарснинг ўзида дарс бошланишида ўтган мавзунини такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки янги мавзу бўйича талабаларнинг дастлабки билимлари, қандай тушунчаларни эгалаганликлари ва шу дарснинг охирида бугунги мавзудан нималарни билиб олганликларини аниқлаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

4. Ҳисобот шакли.

Ўқувчи амалий машғулотда ўқитувчи томонидан олган вазифани бажаради. Ўқитувчига кўрсатади ва жамоа билан биргаликда ҳар бир тушунчага туғри изоҳни берадилар. Ўқитувчи уларни тингалаб, туғри жавобни мақулайди. Ўқитувчи гуруҳлар томонидан тайёрланган материалларга изоҳ бериб уларни баҳолайди ва машғулотни якунлайди.

5. Назорат ва баҳолаш шакллари, мезонлари.

Ўқитувчи томонидан янги мавзу бўйича ўқувчилар учун тест варақлари тарқатилади (10та тест саволлари тузилган).

Ўқувчилар тест саволарига туғри жавоб бериш натижасида қуйдагича баҳоланиладилар:

“аъло” - 9-10 тест саволини туғри жавоби;

“яхши” - 7-8 туғри жавоб;

“қониқарли” - 5- 6 туғри жавоб;

“қониқарсиз” - 1-4 туғри жавоб.

Ўқитувчи томонидан

6.Илова

Тест.

1. Ўғил болалар кастюм кўйлаги қандай бичилади?. йўл ўйл ин газламадан бўлиб ,енги калта ,олд ва орт бўлаклари билан яхлит
А. йўл ўйл ип газламадан.
*Б. енги калта ,олд ва орт бўлаклари билан яхлит холда.
С. хар бир қисми алохида
Д. Андазага қараб.
2. Кўйлак елка қирқими бириктириб тикиладидиган чок кенглиги .
*А. 0,7 -1,0 см.
Б. 0.2 -1,0 см.
С. 0,5 -1,0 см.
Д. 0,8 -1,0 см.
3. Ён ва пастки қирқимлари букиб
*А.дазмоланади.
Б. тикилади
С. чокланади
Д.белгиланади
4. бахяқатор чўнтак зийидан қанчали ороликда юритилади?
*А. 0,2см.
Б.1,0см
С.3,0см
Д.1,5см
5. Мағизни кўйлак тескарисига ағдариб,
*А. асосий деталдан 0,1-0,15 см кенгликда кант хосил қилиб ,зийлари кўкланади.
Б. деталдан 0,1-0,15 см кенгликда кант хосил қилади
С. деталдан 0,15-0,18 см кенгликда кант хосил қилади
Д. деталдан 0,1-0,18 см кенгликда кант хосил қилади.
- 6.Устки ва остки ёқалар детали қандай билан тикилади.
*А. ақдарма чок билан тикилади
Б. букма чок билан
С. одим чок билан
Д. бахяқатор
7. Устки ва остки ёқалар деталининг ўнгини ичкарига қаратиб қандай кенгликда ақдарма чок тикилади.
*А. 0,5-0,7 см
Б. 0,7-0,9 см
С. 0,8-1,0 см
Д. 1,5-1,7 см

8. кўйлак этаги қандай чок билан тикилади.
*А. ёпиқ қирқимли букма чок билан
Б. ақдарма чок билан
С. одим чок билан
Д. баҳяқатор
9. қандай ораликда универсал машинада букиб тикади
*А. 0,1 см ораликда
Б. 0,5 см ораликда
С. 0,4 см ораликда
Д. 0,8 см ораликда
10. елка ва ён қирқим кенглиги.
*А. 0,7-1,0 см
Б. 0,7-0,8 см
С. 0,7-0,9 см
Д. 0,7-1,3 см

7.Фойдаланилган адабиётлар.

- 1 . Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 6 декабрь. __
- 2 . N.N.Azizxo'jaeva. Pedagogik texnologiyalar va pedagogic mahorat.O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti.Toshkent.2006.
3. Р.Ишмухамедов , А.Абдуқодиров,А.Пардаев. Тарбияда инновацион технологиялар.Тошкент.2010.
4. Р.Ишмухамедов , А.Абдуқодиров,А.Пардаев. Таълимда инновацион технологиялар.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамгармаси,Тошкент.2010.

“Тўқимачилик ,енгил саноат” соҳаси бўйича
“Тўқимачилик ,енгил саноат фанлари бўйича лаборатория, амалий
машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш ” фанидан малака
ошириш курси тингловчиси Жураева Ферузани
“Уғул болалар шимини тикиш технологияси.” мавзусидаги рефератга

Т а қ р и з.

1-поток,1-гурӯх тингловчиси Жураева Ферузани “Тўқимачилик ,енгил саноат фанлари бўйича лаборатория, амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш ” фанидан берилган “Уғул болалар шимини тикиш технологияси.” мавзусидаги реферат тўла талаб этилган меъёрий хужжатлар асосида бажарилган.

Рефератда яхши ва тўла холда ,таълим ва тарбия инновацион технологиялари келтирилган .Айниқса таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўқув машғулотнинг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини келтирилган.

Шунингдек, бу ўқув машғулотининг технологик картасини, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятнинг босқичма-босқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади.

Таълим ва тарбия инновацион технологияларни таркиби, кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари, ҳар бир мавзу бўйича лаборатория,амалий ва семинар машғулотларида ўқитиш технологияси ёритилган. Маълумотлар максимал даражада умумлаштирилган ва тартибга солинган. Уларни ўзлаштириш ва ёдда сақлаб қолишни кучайтириш учун тест,саволлар,тарқатма материаллардан фойдаланилган.

Инновацион технологияларни концептуал асослари унинг долзарблиги ва аҳамияти, мазкур ўқув фанининг таркибий тузилиши, ўқитишнинг усул ва воситаларини танлашда таянилган концептуал фикрлар, коммуникациялар, ахборотлар берилиб, сўнгра лойиҳалаштирилган, ўқитиш технологиялари тақдим қилинган.

“Тўқимачилик саноати махсулотлари
технологияси”кафедраси доценти,
техника фанлар номзоди .

Д.Г.Алиева

“Тўқимачилик ,енгил саноат” соҳаси бўйича
“Тўқимачилик ,енгил саноат фанлари бўйича лаборатория,
амалий машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш ” фанидан
малака ошириш курси тингловчиси Жураева Ферузани
“Уғул болалар шимини тикиш технологияси.” мавзусидаги рефератга

Т а қ р и з.

Рефератда яхши ва тўла ҳолда ,таълим ва тарбия инновацион технологиялари келтирилган .Айниқса таълим технологияларининг ҳар бири ўзида ўқув машғулотини ўтказиш шарт-шароити тўғрисида ахборот материалларини, педагогик мақсад, вазифа ва кўзланган натижаларни, ўқув машғулотнинг режаси, ўқитишнинг усул ва воситаларини келтирилган.

Шунингдек, бу ўқув машғулотининг технологик картасини, яъни ўқитувчи ва ўқувчининг мазкур ўқув машғулотида эришадиган мақсади бўйича ҳамкорликдаги фаолиятнинг босқичма-босқич таърифланишини ҳам ўз ичига олади.

Таълим ва тарбия инновацион технологияларни таркиби, кириш, таълим технологиясининг концептуал асослари, ҳар бир мавзу бўйича лаборатория,амалий ва семинар машғулотларида ўқитиш технологияси ёритилган.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиқиб, ушбу қўлланамани “ZiyoNET” ахборот таълим тармоғига жойлаштириш учун тақдим этилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Давлаобод енгил саноат касб-хунар
коллежи директори.

Ю.Юнусов